

ТАЪМИНОТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

Гузор тумани

«19» июл 2022 й.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Гузор тумани ДСИ** номидан **Устав** асосида иш кўрувчи бошлиқ в.б. **С.С.Бобоқулов** бир томондан, кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритиладиган "LAKRO STROY SERVIS" МЧЖ номидан **Устав** асосида ҳаракат қилувчи корхона раҳбари **А.Ғуломов** билан **Гузор тумани ДСИ** даги қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш бўйича мазкур таъминот шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қўлланилади;
 - ижро ҳужжатлари – етказиб берилаётган махсулотларни бажариш учун масъул бўлган шахсларга куйилаётган талабларнинг аниқ ёритилиши, сифат кафолати, етказиб беришдаги махсулотларга куйиладиган техник улчамлар ва меъзонлар.
 - Етказиб берувчига қурилиш майдонига махсулотларнинг уз вақтида олиб келиб берилишидаги талабнинг юклатилиши;
 - шартномада махсулотларнинг ҳар бир категорияси ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда курсатиш бўйича умумий қийматини тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Таъминотчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Кашькадарё вилояти Гузор тумани "LAKRO STROY SERVIS" МЧЖ жорий объектида кузда тутилган лойиха бўйича таъмирлаш ишларини бажариш учун бирламчи зарур булган қурилиш молларини етказиб бериш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Таъминотчи учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Таъминотчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва Таъминотчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда кўшилган қиймат солиғи билан бирга **3 239 300 (уч миллион икки юз уттиз туккиз минг уч юз)** сўмни ташкил этади.
4. Қурилиш молларининг умумий қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:
 - қурилиш қийматини узгартирилишига енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
 - махсулотлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

5. Таъмирлаш ишлари чузилиб кетганда (бир йилдан ортиқ бўлганда) шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Таъминотчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ТАЪМИНОТЧИ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Таъминотчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча етказиб берилаётган махсулотларнинг уз вақтида сифатли ва кафолатли бўлишини таъминлаши

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмларни етказиб бериш, уларни тушириш, омборга жойлаш таъминлайди;

- Буюртмачини уз вақтида хабардор қилиш (кузда тутилмаган ҳолатларда кечикиш булганда)

- мазкур шартнома бўйича таъминотчи ишлар бошланган санадан бошлаб 1 ой муддатда таъмирлаш манзилига ўзига тегишли қурилиш материаллари етказиб берилишини таъминлаши таъминлаш;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Таъминотчи мавжудлигини кафолатлаган сумманинг 90% га тенг бўлган қисмини бажариш мажбуриятини олади.

9. Таъминотчи Буюртмачига барча етказиб берилган курилиш молларини исботлаш ҳужжатларни (исполнительная документация) тўлиқ ҳажмда тақдим қилади.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- ишлар бажарилиши устидан доимий сифат назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Таъминотчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш ҳамда сифатли курилиш молларини қабул қилиб олишни таъминлаш;
- Таъминотчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- молиялаштириш жадвалига биноан Таъминотчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- Таъминотчига хизматни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса Таъминотчи олдида тулиқ жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

14. Таъминотчи мазкур шартномага илова қилинган курилиш молларини жадвалига мувофиқ етказиб беради.

15. Курилиш молларини «31» «июл» 2022 йилгача етказиб топширилиши белгиланади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» қилинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича махсулотлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорида аванс ўтказиши, бу **971 790 (туққиз юз етмиш бир минг етти юз туқсон)** сўмни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Таъминотчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун маблағлар буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан ун банк кунида молиялаштирилади ва қолган 90 % миқдоридаги тўлов махсулот етказиб берилиши мобайнида ҳамда Буюртмачи ва Таъминотчи ўртасида тузиладиган тўлов графиги асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)

19. Буюртмачи томонидан жорий молиялаштириш етказиб берилган махсулотлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.

20. Таъминотчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойнанинг охири кунигача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун курилиш моллари миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактурани» ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи эса курилиш-молларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

21. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган ишлар миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Таъминотчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура» асос булади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

22. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вақилини – таъминот булимига тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Таъминотчи корхона томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

23. Таъминотчи булими вақили ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

24. Агар Буюртмачи Таъминотчидан олган курилиш молларининг сифатсизлиги сабабли бажараётган ишларининг сифатини таъсир қилганлиги аниқласа, у ҳолда Таъминотчи ўз кучлари билан қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Таъминотчи сифатсиз курилиш моллари оркали етказган зарарини келишилган муддатларда тузата олмаса, Таъминотчи уларни тузатишнинг кечиикиши оқибатида етказилган зарарларни барчасини Буюртмачига тўлайди.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

25. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

26. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда Таъминотчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни узгартириш қилиш учун қандай чоралар курилишини муҳокама қиладилар.

27. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. КАФОЛАТЛАР.

28. Таъминотчи:

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- ҳужжатларга ҳамда техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- узи томонидан курилиш учун қулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар сифатини, уларнинг ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- махсулотларни қабул қилишда фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Таъминотчи ва Буюртмачининг икки томонлама ҳужжатда қайд этилади.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

29. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланишидан олдин Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Таъминотчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Таъминотчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Таъминотчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Таъминотчи томонидан шартнома шартларига мувофиқ курилиш моллари сифатсизлиги сабабли назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

30. Таъминотчи:

- ишларнинг бажарилиши Таъминотчи боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

31. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

32. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

33. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

34. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига бошқа қонун

хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортиладиган иккинчи тамонга етказилган зарарларни қоплайди.

35. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятлари бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Таъминотчи олдида қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини 15 банк кунда сабабсиз Таъминотчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдориди жарима тўлайди;

- шартномага муофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдориди жарима тулайди;

- шартнома шартларига муофиқ сифатли қурилиш молларини қабул қилиш учун тақдим қилинганда асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома кийматининг 5% миқдориди жарима тулайди;

36. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Таъминотчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкӣ жавобгар бўлади ва:

-Маҳсулотларни етказиб бериш жадвалида белгилангандан кам миқдорда олиб келса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди.

- Етказиб бериш даврида белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдориди жарима тўлайди;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун кундан ортик бўлмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдориди жарима тўлайди.

37. Бир томоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

38. Томонларнинг жавобгарликка тортилиб тўлайдиган, штраф ва пенялари шартнома кийматининг 15% ошмаслиги керак.

XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

39. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан келишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлари мумкин.

XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

40. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

41. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

42. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига Қ.Қ.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта куриб чиқилади.

43. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

44. Мазкур шартнома тамонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва барча кузда тутилган шартнома шартлари тўлалигича бажарилгунга қадар амал қилади.

45. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.


46. Мазкур шартнома «31» «декабр» 2022 йилгача амал қилади.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

БУЮРТМАЧИ:


ТАЪМИНОТЧИ


Гузур тумани ДСИ	"LAKRO STROY SERVIS" МЧЖ
Манзили: Гузур туман Ўзбекистон кўчаси	Манзили: Гузур туман Ўзбекистон кўчаси
Тел/факс: 75-552-22-74	Тел/факс: 91-640-01-01
Х/р: 400110860102077011332093001	Х/р: 20208000204711216001
СТИР: 200676546	СТИР: 300860465
Банк: Тошкент ш. Марказий банк	Банк: Миллий банк
МФО: 00014	МФО: 00450


Директор  **С.С.Бобоқулов**
(имзо)
М.Ў.



Директор  **А.Ғуломов**
(имзо)
М.Ў.



Юрист хулосаси  **P. Orinobe**



«Бажарувчи»

"LAKRO STROY SERVIS" МЧЖ
(мол етказиб берувчи номи)

Манзили Ғузор туман Ўзбекистон кўчаси

тел/факс 91-640-01-01
х/р 20208000204711216001
банк номи Миллий банк
МФО 00450 СТИР 300860465
ОКОНХ
ХККМ

«Буюртмачи»

Ғузор туман Давлат солиқ инспекцияси
(бюджетдан маблағ олувчи номи)

Манзили Ғузор туман Ўзбекистон кўчаси 18-уй

тел/факс 75-552-22-74
ш х/в 400110860102077011332093001
Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 200676546
ОКОНХ

Ғазна х/р 23402000300100001010
Банкнинг номи: Тошкент ш. Марказий банк
МФО 00014
Ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Спецификация

№	Хизмат тури	Улчов бирлиги	Сони	Суммаси	Жами суммаси
1	Труба пластмассовая	кадок	54	11990	647460
2	Труба напорная из полиэтилена.	кадок	120	8889	1066680
3	Труба пластмассовая	дона	70	21788	1525160
	Жами				3239300


Жами 3239300 (уч миллион икки юз уттиз туккиз минг уч юз сум)

«Бажарувчи»


А.Ғуломов
(раҳбар имзо)



«Буюртмачи»


С.Бобоқулов
(раҳбар имзо)

